

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2012 йил 26 декабрдаги
507 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.



ФИЛОЛОГИЯ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахassisliklari
умумкасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўкув дастури

(Филология фанининг барча мутахassisliklari учун)

Тошкент – 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги 4-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ЎзМУ профессор-ўқитувчилари: соц.ф.д., проф. И.Эргашев, п.ф.д., проф. У.Ш.Бегимқулов, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев, ф.ф.д., проф. Б.Менглиев, ф.ф.д., проф. Т.Эназаров. БухДУ профессори, и.ф.д. Б.Н.Наврӯззода. ТДПУ профессор-ўқитувчилари: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, ф.ф.д., проф. Б.Тухлиев, пс.ф.н., доц. Х.М.Алимов, п.ф.д., проф. Ш.Шодмонова, п.ф.н., проф. Р.Г.Исянов.

Тақризчилар: ЎзМУ профессори ф.ф.д. Р.Сайфуллаева
ЎзМУ профессори, ф.ф.д. У.Долимов

Ўкув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Илмий кенгashiда тавсия қилинган (2012 йил 26 декабрдаги 7-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фanni ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараённада самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Тилни субстациал-прагматик ўрганиш асослари
- Адабиётшуносликда таҳлил ва талқин масалалари

- Филология фанларида методология, методика ва метод масалалари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Филология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Филология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- филологиянинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларини илмий асосда кўрсатиш.

- Адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларини тилшунослик манбалари асосида кўрсатиш.
- Тил фанларини ўқитиш методикасини замон талбларига асосланиб талқин қилиш.
- Адабиёт фанларини ўқитиш методикасини фан ютуқлари заминида баён этиш.
- Олий мактаб тил ва адабиёт таълимида инновацион ва педагогик технологияларнинг зарурлигини далиллар воситасида кўрсата билиш.
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимида олий таълим мазмунига мос ҳолда машғулот шаклларини танлаш ва ўтказиш;
- ўзбек тили ва адабиёти фани таълимида ёшлар онгига миллий ғоя ва маънавият асосларини сингдириб бориш тамойиллари ва омилларини билиш;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимида педагогик технологиялар ва ўқитишнинг техник воситалари, компьютердан фойдаланиш;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимида нейролингвистик дастурлардан фойдаланиш;
- турли дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш;
- талабаларнинг ўқув билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- талабаларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;
- очик дарслар ўтказиш;
- ўз устида ишлаш ва мустақил малака ошириш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни;
- тил таълимининг тарбиявий, амалий жараёнларини ташкил қила билишни;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Филология» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимида замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Конуни, “Кадрлар тайёрлаш

Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига тарьиҳ этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишининг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулокот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулокотларни

ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Тилни субстанциал-прагматик ўрганиш асослари

XX аср ўзбек тилшунослигига таҳлил усуслари; тилшунослик йўналишлари; анъанавий тилшунослик ва систем-структур тилшунослик. Анъанавий тилшуносликнинг таҳлил усули, мақсад-вазифалари; систем-структур тилшунослик учун пойдевор вазифасини ўтаганлиги. Ўзбек тилшунослигининг эмпирик босқичидаги вазифалари. Нутқда лисоний ва нолисоний омиллар. Нутқда лисоний ва нолисоний омиллар мувофиқлиги ва номувофиқлиги. Нутқнинг прагматик хосланиши. Тилни субпрагматик ўрганишнинг аҳамияти. Фонетик ҳодисаларга субстанциал-прагматик ёндашув. Лугавий бирликларда субстанциал-прагматик омиллар. Морфологик бирликларда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги. Синтактик қурилмаларнинг нутқий хосланиши. Диалектик мантиқ. Очик системалар назарияси. Лингвистик градуонимия

3.2. Адабиётшуносликда таҳлил ва талқин масалалари

Ўзбек халқ оғзаки ижоди маҳсус фан соҳаси сифатида адабиётшунослик илмидаги энг сўнгти янгиликларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши зарурлиги. Бунинг учун халқ оғзаки ижодига мансуб ҳар бирор асарни ўргатишга янгича ёндашиш лозим бўлиши. Адабиётшуносликда таҳлил ва талқин масалалари. Бу фанда бутунги адабий кечимнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги етакчи тамойиллар, асосий белгилар кўрсатиб берилиши лозимлиги.

3.3. Филология фанларида методология, методика ва метод масалалари

Филология фанларида тадқиқ методологияси муаммолари. Илмий тадқиқотларда методологиянинг ўрни. Илмий йўналишларда методология. Амалий билиш методологияси. Назарий билиш методологияси. Илмий қарашларда инфантализм. Филология фанларида тадқиқ методикаси муаммолари. Илмий тадқиқотларда методиканинг ўрни. Унинг асослари ва методологияси. Тавсифий методика. Назарий методика. Филология фанларида

тадқиқ методлари муаммолари. Тадқиқ методи тушунчаси. Тарихий методлар. Аньанавий методлар. Замонавий методлар.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Олий таълим тизимида мутахассислик фанларини ўқитишнинг норматив таъминоти (ДТСда йўналишлар ва мутахассислар тайёrlашга қўйилган умумий талаблар, ўқув режа, фан дастурлари ва уларга қўйилган талаблар). Йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича фанларнинг услубий таъминоти (дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма, методик кўрсатма, ўқув-услубий мажмуаларга қўйиладиган умумий талаблар). Ўқув машғулотларини техник таъминоти ва улар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиши шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Филология фани соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тилни субстациал-прагматик ўрганиш асослари, адабиётшуносликда таҳлил ва талқин масалалари, филология фанларида методология, методика ва метод масалалари., мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илгор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).

- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).

- Мутахассислик фани бўйича ўкув-дидактик материаллар тайёрлаш.

- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойихалаш.

- Даражали тестлар банкини яратиш.

- Кейслар банкини яратиш.

- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;

- кириш;

- асосий қисм;

- хулоса;

- фойдаланган адабиётлар рўйхати;

- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;

- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;

- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;

- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

- касбий педагогика муаммолари;

- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;

- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;

- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;

- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;

- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

- Таълим жараёнида узвийлик принципи қоидалари.

- Ўзбек тили фанларини ўқитиша замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.
- Ўзбек тили фанларини ўқитиша мультимедиа воситаларнинг ишлатилиши.
- Ўзбек тили қўшимчаларининг янгича таснифи.
- Ўзбек тили сўз туркумлари таснифи.
- Қўшма гапларнинг субстанциал таснифи ва тавсифи.
- Ўзбек тилининг социал ва прагматик хусусиятлари.
- Ўзбек тилишунослигидағи терминлар талқини ва таснифи.
- Ўзбек тили ҳодисаларида миллий маънавиятнинг намоён бўлиши.
- Ўзбек тили ҳодисаларида номшунослик масалаларининг ифодаланиши.
- Ўзбек тили гап қурилишининг социопрагматик хосланиши.
- Ўзбек тилида маънавият тушунчасини ифодаловчи бирликлар.
- Номлар ва уларнинг келиб чиқиши (этимологияси).
- Нутқий мулоқотнинг таркибий қисмлари.
- Тил таълимида аудиал инновацион технологиялари.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини кўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маъruzalari бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъодод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
8. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
9. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.

10. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
11. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
14. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2005.
15. Йўлдошев Қ. ва б.. Адабиёт ўқитиши методикаси.
16. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т.: "Шарқ" НМК, 2005.
17. Қосимов Б. ва б.. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: “Маънавият”, 2005.
18. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Андижон: «Ҳаёт», 2002.
19. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
20. Йўлдошев Қ. "Алпомиш" талқинлари. -Т.: "Маънавият", 2002.
21. Расулов А. Талқин, танқид, баҳо. –Т.: “Фан”, 2006.
22. Раҳмонов Н. Мумтоз адабиёт намуналари. –Т.: “Фан”, 2005.
23. Менглиев Б., Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Миллий тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида // “Маърифат” газетаси, 2007 йил 21 май.
24. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Т.:Фан, 2008.
25. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Т. Фан, 2007.
26. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. –Жиззах:НС, 2006.
27. Махмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тили назарий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи. 1995. 228-бет.
28. Неъматов Ҳ. Сайфуллаева Р, Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Т.: Университет, 1999, 55-бет.
29. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар. Т, «Университет» нашриёти. 2002. 117 бет.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://www.uforum.uz/>
5. www.zyonet.uz
6. www.edu.uz
7. www.pedagog.uz

8. www.linguistic.ru
9. www.englspase.com
10. www.youreng.narod.ru
11. www. teneta. ru
12. www. translation. net
13. www. translation zone. com
14. www. translator tips. com
15. www. google. Ru

